

TOWN ATSAOOUCH



TOURIST INFORMATION

TOH

WINTER HIGHLIGHTS
ATTRACTIONS & SERVICES

WINTER HIGHLIGHTS
ATTRACTIONS & SERVICES

OFFICE OF TOURISM & SERVICES

117 KAMIAWA RD.

1-800-263-0500

www.townatsaoouch.com

TOH

TOURIST INFORMATION

TOH

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 13-01

2014-сон

Бишнурин

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи 2-санк
шахар сенин шифохонаси
(Истемолчи номи)

(кейинги ўринларда “Истемолчи” деб аталади), раҳбари Руслан. ғ. с. бир томондан ҳамда Низом ва 2023-йил
03-01 да берилган 03.19.04/37-сонни ишончнома асосида фаолият юритувчи
“Хуҷанд Ҷамоати” (газ таъминоти
ташкилоти номи) (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади), раҳбари
йиккинчи томондан, кўйидагилар тўгрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истемолчининг келишилган буюртманомаси буйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истемолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тұловларни белгиланган нарх буйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаптириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаптирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истемолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мельёрларга (Габийи газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эктиёжни тақдим этади.

Истемолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истемол килиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми буйича буюртма беради.

1.4. Истемолчи билан келишилган буюртма буйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022-йилда 45453 куб.м, нархи 28998980 минг сўмни ташкил қиласи, жумладан чораклар ва ойлар буйича кўйидагида тақсимланади:

I чорак 45453 минг куб.м, январь 15751, февраль 15751, март 15757
II чорак 7 минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____.
III чорак 7 минг куб.м, июль _____, август _____, сентябрь _____.
IV чорак 7 минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тұлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсими тармокларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазиrlар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истемолчиларга 2023-йилда зарур бўлган табиий газининг

минимал ҳажми 45453 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича
куйидагини ташкил килади:

I чорак 45453 минг куб.м, январь 85751 февраль 15151 март 15451

II чорак _____ минг куб.м, апрель _____, май _____, июнь _____.

III чорак _____ минг куб.м, июль _____, август _____ сентябрь _____.

IV чорак _____ минг куб.м, октябрь _____, ноябрь _____, декабрь _____.

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса,
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир
хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва
газни тақсимилашнинг тасдиқланган балансига мувофик ажратилган ҳажмлар доирасида
қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун
кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти
ташкilotига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб
ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада ҳайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда
ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофик
тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига
асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ кабул килиб
олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул килиш
далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш
тартиби ва шартлари ўзгартганини тұғрисида барча усуулар орқали Истеъмолчини
хабардор килиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

804

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Алматы 7400 000 62

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар
камидаги 24 соат аввал бу ҳақида хабардор килиши шарт, магистрал газ кувурларида юз
берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингандан кейин газ
етказиб бериш дархол кискартирилади ёки тұхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари
бузилгандан, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли
истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи
Истеъмолчини огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тұхтатиб кўйиш
хукуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёкилги туридан фойдаланишга үтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул килиши доирасида
тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига
олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микрорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб берипнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг құшимчага газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниси ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан құшимчага газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлап, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда хар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хуқукий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси упинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишининг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоша кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усусларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашта таъсир қиласидан қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегиши даолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишланиши кузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тусиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида файритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашинг ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, қуидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиши (ноконуний байпас линиялари улангандан) охирги ҳатловдан ўтказиш даолатномаси тузилган куидан аниқланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказилиш даолатномаси тузилган кундан, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – ҳисобга олиш прибори ечилиган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказилиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГППларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда- ташки

тасъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ дайво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган холларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида кайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирилганда истеъмолчи томонидан кўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аникланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аникланганда. Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб қилиш ҳукукига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганилик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқсанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аникланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичидан Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргалиқда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аникланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кура газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчилликка мувофик белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожаат қилишга ҳаклидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санаасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб берип учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган тури ҳил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қисқа тулашув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли иsteъmol қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил килган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов

суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тұлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдыган миқдорда пеня тұлайды.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилған табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобға олиш приборидан күрсаткичларни ёзіп олиш (ТГХНАТта уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобға олиш приборларига зәға бұлмаган ва белгиланған мөйерлар бүйіча ҳисоб-китоб киладын истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзіп олинған күрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобға олиш приборлари күрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланған ҳолда киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманың 4.12-бандига асосан күрсаткич олинғанидан сұнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилған газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварап-фактура юб oriлади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Иsteъmolchida қуидаги техник ҳужжатлар мавжуд бұлғанда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори ҳотирасидан ҳисобот даври учун олинған (күчирма) архив маълумотлари;

б) Иsteъmolchiga тақдим этиладигац, Иsteъmolchiniнг булиниш чегарасынан бұлған жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йүқотишиларнинг ҳажми түгрисидаги далолаттоманың мавжудлиги; Бунда Иsteъmolchы балансида бұлған газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йүқотишилар Иsteъmolchы ҳисобига олиб борилади.

4.15. Иsteъmolchы ойнинг 7 кунидан кечирилмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайды ва бир нусхасини Етказиб берувчига жұнатади. Расмийлаштирилған газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварап-фактурани қабул килади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Иsteъmolchini күрсатиб ўтилған табиий газ ҳажмлари учун тұловлардан озод құlmайды. Узатилған ёки қабул қилинған газ миқдорини аниклашдан норози бұлған томон далолатномада норозылк сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонға бу түгрида маълум қилиб, сұнг далолаттоманың бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ұзаро ҳал этиши имконияти бұлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланған тартибда күриб чиқылиши керак.

4.17. Иsteъmolchidan дебитор қарзларни үндериш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланған тартибда амалда оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилғанидан сұнг үзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинған газ ҳажми ва уннинг қиймати газ узиб қўйилған кундан бошлаб, уланған газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тұлық кувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) үзгарған тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни үн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор

қиласи. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истемол қилинган газ учун түлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сұнг амалға оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарікасида тұланған ҳажми учун түлов қунидан бошлаб күпі билен кейинги 1 ой күшимча түлов тұлашдан озод қилинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-банда күрсатыб үтилген ҳуқуқбузарликларга йул қўйилиши. Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланған газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-баандида күрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истемолчини қонунчиликда белгиланған жавобгарликдан озод килмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчидаги қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларниң бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йул қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалға оширилмаганлиги натижасида каэрзорлик мавжуд бўлганда;
- шаргномада белгиланған буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалға оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг күрсатмалари бажарилмаганда;

- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзgartариш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи хатти-харакатлар амалға оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истемолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-баандида кўрсатилган ҳоллар буцдан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан кайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қўйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнинда ўзида сақланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганилиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча огоҳлантиришларсиз тармоқдан учираш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганилиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганилиги тўғрисида хуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериши шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгаришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бопка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қўйидаги хуқукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб қўйиш;

- Истъемолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериши шартномасини ижро қилишдан көнун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истъемолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан хамда зудлик билан хабардор киlgан ҳолда, табиий газни етказиб беришини тұхтатиши ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгүнинг қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришини тұхтатиши.

- табиий газ етказиб бериши шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истъемолчи қуидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериши ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;

- газдан оқилюна ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равища кўздан кечириб чиқиши;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазиспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истъемол қилишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истъемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлashingа тўсқинлик килувчи ҳаракатларни амалга ошираслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истъемолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истъемолини хисобга олиш ва назорат

қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХАТ-АС'КУГ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Истъемолчи томонидан ўрнатиши.

7.4. Истъемолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истъемолини хисобга олиш приборлари ишлапшининг ишончлilikигини текшириш учун комиссия ташкил этиши;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- табиий газни етказиб бериш тұхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. баандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришни вактинча тұхтатиши.

Истъемолчи конунчиллик ҳужжатларida белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истъемолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тұлғык етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойданы белгилантан тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тұлғык етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

- a) Истъемолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаши ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тұлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларida назарда тутилган ҳолатларда.
- г) истъемолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. баандларida қўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истъемолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада қўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида"ти Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларida авария ҳолатлари юз берганда;
- в) киши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимлклари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узib кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олингган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартноми ёки норматив хужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур дираражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиши хукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайташни талаб қилиш хукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда. Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирорк етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирорк муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошقا вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек ёнгигб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкени, ёнгин чикиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда

Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиши, қисқартириш ёки муносабтларни тұхтатиши ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор холатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алока воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган холатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул қиласидар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва қўшимчалар ёзма равища расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома ~~2021~~ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили “_____” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир ҳил юридик кучга эга.

ТОМОНДАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗЫН БЕРУВЧИ»

«Худу/дигиталъминот» АЖ

“ИСТЕММОЛЧИ”

*2 - сөз шахар сенини
мурожандас*

(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи
субъектлар номи)

Почта манзил: *Ошобод чумак*

Он мураси 6^а

ОКПО коди _____

ОКЭД _____

Мулокот телефони *291 10 45*

35-нин: 306 605 769 ОКЭД: 3522

Банк номи: «*ШИҲОННИЙ КОД* РДС: 32606003

Fax/л. 1000 61860161904075101059202

Ракат филиали МФО:

Банк номи: *ЖКХ сарфарзи
бонс*

МФО *000014*

ИНН *201441592*

ш/х _____

х/р *23402002304100001010*

Молиш визир.сигма бўлганини

(тасвириллик бўлинимаси номи)

Рахбар: *Рузилев Ч.С*

Имзоши: *(Ф.И.Ш.)*

Мухр ўрни

Мухр ўрни

(Ф.И.Ш.)

(имзо, мухр)

(санаси)

Манзил: Тошкент ш. Яккасарой тумани,

Бобур кучаси -59А

«ХУДУДАТАЪМИНОТ» АЖ

Тел./факс: Ташкент ш. Чилдор т. Мукумий 98

х/р: 22 *134400000543960502*

«УЗБЕК АТКУРИЛИШБАНК» РАКАТ ФИЛИАЛИ

35-нин: 306 605 769 ОКЭД: 3522

Банк номи: «*ШИҲОННИЙ КОД* РДС: 32606003

Fax/л. 1000 61860161904075101059202

Ракат филиали МФО:

ИНН: ОКЭД:

Рахбар:

(Ф.И.Ш.)

Имзоши:

Тиммили

24.01.2022

Юридик маслаҳатчи

хуносаси:



22 йил « 01 »
2014 -сон шартномага
ИЛОВА

**Фойдаланишга қабул қилингандык газдан фойдаланиш ускуналари
РҮЙХАТИ**

т/п	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газин ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
	ПГ - 4 X	2	1.12	ПРИНЦ - 6	
			2.24	✓3080935	
	NAVIE SATVDN - 203	3	24.3	СТГ 80/250	
	ГРП		52.9	N 03438	
				✓15R	10A 01793

Келишилган:



Рахбар

Имзоси

Ижрочи

Мухр ўрни
(Ф.И.Ш.)



Рахбар

имзоси

(Ф.И.Ш.)

201193 01 2022 йилги
сонли шартномага Илова

Узок муддатта мўлжалланган бевосита хўжалик алоқалари асосида
табиий газ етказиб бериш ва кабул килиш шартномасига
Кўшимча келишув

13 01 2022 йил

Тошкент шаҳри

2-санаха санасида сипарохенаси

(Хўжалик юритувчи субъектлар номи)

(кейнинг ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) номидан Рахимов Р.С. асосида
(Устав, Низом ёки Ишончнома)
фаолият юритувчи Рахимов Ф.И.Ш. бир тарафдан "Худудгаётманиот" АЖ

"Худудгаёт Пойтахт" филиали (кейнинг ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида 05.01.2022 йилги №03-19-07/37-сонли Ишончнома билан фаолият юритувчи бошлиқ Азимов Р, иккинчи тарафдан Узок муддатта мўлжалланган бевосита хўжалик алоқалари асосида табиий газ етказиб бериш ва кабул килиш шартномасига кўйидаги кўшимча келишувни туздилар.

1. Вазирлар Махкамасининг 4779 ва 1708 асосида IV булим 4.3. бандига "Истеъмолчи" хисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 30 фоиз суммасини олдиндан тўлайди деб укилсин.

2. Шартноманинг 1 булим 1.4 банди кўйидагича ўқилсин:
"Истеъмолчи"ning буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 4533 куб метрни, 15.08.2019 дан нархи (1 куб метрни) 660 сўмни ташкил киласди.

Жами сумма 29998980 сўм, шундан
Бюджет маблаглари хисобидан 29998688 сўм.
Бюджетдан ташкиари маблаглар хисобидан _____ сўм.

3. Шартноманинг XII булим 12.3 банди кўйидагича ўзгартирилсин:
12.3 Бюджетдан маблаг олувчиilar Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрдағи 2050-сон билан рўйхатдан ўтказилган Давлат бюджетининг ғазна ижроси коидаларига мувоффик "2022 йил 31 декабргача" санаасига амал килишлари белгиланади.

4. Шартноманинг колган барча бандлари ўзгаришсиз колдирилади.

«Тамминотчи»

«Истеъмолчи»

"Худудгаёт Пойтахт" филиали

Манзил: .. Ташкент ш.-100100,

Яkkасарай. т.Бобур кўчаси-59А

Тел: 71-254-78-39, 71-255-48-82

x/r 22634

Банк номи: «Узсаноаткурилишбанк»

Ракат филиали

ИНН:306 605 769, МФО:00435

ОКОНХ:35220

Бошлиқ: _____

Юрист: _____



Манзил:	Ташкент ш.	тумани		
TEL:	71 254-78-39	FAX:	кўчаси	-уиди
Л/Н/хр	100 021	500 252	907 033	101 054 002
c/c	STIR	201 441	592	XUTU 01 511
ОКОНХ	UYA VAZIRI	ИНН	VACHILIGI	
x/r				

Молия Вазирлиги Газначилиги
Ташкент ш. Марказий банки
Ташкент ш. XKKM, МФО:00014
ИНН: Газначилик 20122919

Бошлиқ:	<u>Рахимов Р.С.</u>
Юрист:	<u>Рахимов Р.С.</u>